



# INTERNATIONAL JOURNAL OF MULTIDISCIPLINARY RESEARCH IN SCIENCE, ENGINEERING AND TECHNOLOGY

Volume 5, Issue 3, March 2022

**ISSN**

INTERNATIONAL  
STANDARD  
SERIAL  
NUMBER  
INDIA

**Impact Factor: 5.928**



9710 583 466



9710 583 466



ijmrset@gmail.com



www.ijmrset.com



# Pedagogical Education Cluster and Its Importance in the Formation of Professional Skills

Jabborova Onaxon Mannapovna<sup>1</sup>, Tashanova Farida Zoirovna<sup>2</sup>

Doctor of Philosophy of Pedagogical Science (PhD), Chirchik State Pedagogical Institute, Uzbekistan<sup>1</sup>

Chirchik State Pedagogical Institute, 1st year master, Uzbekistan<sup>2</sup>

**ABSTRACT:** The article analyzes the role of the pedagogical education cluster in shaping the professional skills of future teachers.

**KEYWORDS:** pedagogy, cluster, profession, skill, formation, knowledge, qualification.

## ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМ КЛАСТЕРИ ВА УНИНГ КАСБИЙ КЎНИКМАНИ ШАКЛЛАНТИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ

Жабборова Онахон Маниаповна<sup>1</sup>

Педагогика фанлари фалсафа доктори (PhD),  
Чирчик давлат педагогика институти<sup>1</sup>, Ўзбекистон.

Ташanova Farida Zoirovna<sup>2</sup>

Чирчик давлат педагогика институти<sup>2</sup>, 1-курс магистри, Ўзбекистон.

**Аннотация:** мақолада педагогик таълим кластерининг бўлажак ўқитувчилар касбий кўникмасини шакллантиришдаги аҳамияти таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** педагогика, кластер, касб, кўникма, шакллантириш, билим, малака.

“Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”да инсон капиталини, яъни унинг имкониятларини ривожлантириш ва ундан оқилона фойдаланиш вазифалари қўйилган [1]. Шу жиҳатдан педагогик таълим кластери асосида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий кўникмасини амалий шакллантириш муаммосини тадқиқ этиш долзарб бўлиб турибди. Чунки бунда бўлажак ўқитувчиларнинг касбий кўникмаси уларнинг ақлий имкониятлари асосида таркиб топтирилади.

Педагогик таълим кластери – бу таълим ва тарбия жараёнида кутилган самарага эришиш учун мутахассис шахслар ҳамда муассасаларнинг изчил ҳамкорлик қилишидир [2]. Шу сабабли Тошкент вилояти Чирчик давлат педагогика институтининг бош илмий мавзуси сифатида Инновацион педагогик таълим кластери Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 14 апрелдаги 213-сонли Қарори билан белгиланган. Педагогик таълим кластери бўлажак ўқитувчиларнинг касбий кўникмасини амалий шакллантиришда муҳим ўрин тутади. Чунки мазкур жараёнда асосий эътибор амалий кўникмаларни шакллантиришга қаратилади.

Буларнинг барчаси педагогик таълим кластери асосида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий кўникмасини амалий шакллантириш муаммосини тадқиқ этишозо этади.

Мазкур масаланинг обьекти сифатида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий кўникмасини педагогик таълим кластери асосида амалий шакллантириш зарурияти, тамойиллари, педагогик шарт-шароитлари, модели ва бу моделнинг компонентлари танланиши бизнингча мақсадга мувофиқ бўлади.

Педагогик таълим кластери асосида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий кўникмасини амалий шакллантириш муаммосини ўрганишда бизнингча, қўйидаги вазифаларга амал қилиш кутилган самарани беради:

педагогик таълим кластери асосида бўлажак ўқитувчилар касбий кўникмасини амалий шакллантириш заруритини асослаш;

бўлажак ўқитувчилар касбий кўникмасини педагогик таълим кластери асосида амалий шакллантириш тамойилларини таҳлил килиш;



педагогик таълим кластери асосида бўлажак ўқитувчилар касбий кўникмасини амалий шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитлари, унинг модели ва бу модел компонентлари моҳияти масаласини тадқиқ этиш;

педагогик таълим кластери асосида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий кўникмасини амалий шакллантириш самарадорлиги бўйича педагогик тажриба-синов ишлари ўтказиш ва уларнинг натижалари асосида методик тавсияларни шакллантириш.

Эътибор берилса, педагогик таълим кластери асосида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий кўникмасини амалий шакллантириш муҳим хусусиятларга эга. Шу сабабли кўйидагиларга эътибор бериш мақсадга мувофиқ бўлади:

- педагогик таълим кластерида олий таълим муассасалари ўқитувчилари, илмий марказлар мутахассислари ва ташкилотлар вакиллари фаол иштирок этади;

- бунинг натижасида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий кўникмаларини ҳамкорликда шакллантиришга еришилади;

- ҳамкорлиқда шакллантирилган касбий кўникмалар бўлажак ўқитувчиларнинг келгуси фаолиятида муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Педагогик таълим кластери асосида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий кўникмасини шакллантиришда мазкур масаланинг моҳиятини идрок этиш тақозо этилади. Шу жиҳатдан бўлажак ўқитувчиларнинг касбий кўникмаси деганда кўйидагилар тушунилишини эслатиб ўтиш жоиз:

- 1) талабаларнинг педагогик ва илмий-назарий билимга эга бўлиши;
- 2) талабаларнинг таълим ва тарбия бериш кўникмасига эга бўлиши;
- 3) талабаларнинг таълим ва тарбия бўйича юксак даражадаги малакага эга бўлиши.

Шу жиҳатдан педагогик таълим кластери асосида бўлажак ўқитувчиларнинг мазкур касбий кўникмаларини шакллантириш механизми кўйидагича идрок этилади:

- олий таълим профессор-ўқитувчилари ва илмий марказлари мутахассисларининг талабаларга касбий ҳамда илмий-назарий билимларни ҳамкорликда бериш ишини ташкил этиш;

- талабаларнинг аудиторияда ўзлаштирган касбий билимларни ҳафтанинг икки кунида амалга ошириладиган малакавий амалиёт даврида кўникмага айлантириш;

- талабаларнинг касбий билим ва амалий кўникмаларини педагогик таълим кластери иштирокчилари асосида юксак малакага айлантиришга еришиш.

Эътибор берилса, педагогик таълим кластери асосида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий кўникмасини ҳамкорлик асосида кўйидагиларга таянган ҳолда шакллантириш имкониятларини беради:

- талабаларнинг чуқур назарий билимга эга бўлишида педагогик таълим кластери иштирокчиларининг ҳамкорлик имкониятларидан оқилона фойдаланиш;

- талабаларнинг амалий касбий кўникмага эга бўлишида педагогик таълим кластерига асосланган малакавий амалиёт тизимидан амалий фойдаланиш;

- талабаларнинг касбий билим ва амалий кўникмасига асосланган малакага эгал бўлишида педагогик таълим кластери имкониятларидан фойдаланган ҳолда уларни амалий фаолиятга йўналтириш.

Бундай ёндашув бўлажак ўқитувчиларнинг касбий кўникмасини шакллантиришда назария ва амалиёт уйғунлигига асосланиш имконини беради.

Кези келганда таъкидлаш лозимки, педагогик таълим кластери таълим ва тарбия жараёнидаги инновацион ёндашувлардан бири бўлиб, унинг амалий имкониятлари жуда кенгdir. Мисол учун, педагогик таълим кластерида иштирок этадиган профессор-ўқитувчилар, мутахассислар ва таълим олувчиларнинг амалий ҳамкорлиги бу масалада муҳим таянчларни беради.

Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий кўникмаларини шакллантиришда педагогик таълим кластерининг муҳим тузилмаларини идрок этиш мақсадга мувофиқ хисобланади. Бизнинг бу борадаги ёндашувларимиз кўйидагилардан иборат:

- 1) педагогик таълим кластерини ташкил этишда жойлардаги олий, ўрта маҳсус ва умумий ўрта таълим мактаблари таълим берувчиларининг амалий ҳамкорлигини ташкил этиш;
- 2) жойларда педагогик таълим кластери бўйича тўпланган тажрибаларни оммалаштириб бориш;
- 3) педагогик таълим кластери асосида шаклланган индивидуал услубларни амалиётга кенг жорий этиш;
- 4) педагогик таълим кластерининг назарий, амалий ва касбий имкониятларидан уйғун фойдаланган ҳолда талабаларнинг касбий кўникмасини мунтазам равишда шакллантириб бориш.

Бундай ёндашув ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, унинг имкониятларидан оқилона фойдаланиш тақозо этилади.



Кузатишлар шуни кўрсатадики, жойларда фаолият олиб бораётган олий таълим муассасаларида педагогик таълим кластери бўйича муайян тажрибалар тўпланган. Мазкур тажрибалардан фойдаланган холда бўлажак ўқитувчиларнинг касбий кўникмаларини амалий жиҳат шакллантириш кутилган самарани беради[3].

Шундай қилиб педагогик таълим кластери асосида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий кўникмаларини амалий жиҳатдан шакллантириш ўзининг назарий, амалий, услубий ва технологик хусусиятларига эга эканлиги маълум бўлади. Бунинг учун педагогик таълим кластери имкониятлари чукур идрок этилиши ва бўлажак ўқитувчиларнинг касбий кўникмасини шакллантиришда унга асосланиш муаммоларини тадқиқ этиб бориш мақсадга мувофиқ бўлади.

## REFERENCES

1. Жабборова, О. М., Умарова, З. А. (2021). БОЛАЛАР ПЕДАГОГИКАСИ МАЗМУНИ ВА УНИ КЛАСТЕР УСУЛИДА ЎҚИТИШ. Academic research in educational sciences, CSPI conference 1, 59-62.
2. Мардонов, Ш. Қ., Жабборова, О. М (2021). БЎЛАЖАК БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШДА ЎҚИТИШНИНГ ИННОВАЦИОН КЛАСТЕР УСУЛИ. Academic research in educational sciences, CSPI conference 1, 142-145.
3. Жабборова, О. М. (2021). БОШЛАНГИЧ ТАЪЛИМДА КЛАСТЕР УСУЛИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ МЕХАНИЗМЛАРИ. Academic research in educational sciences, CSPI conference 1, 63-67.
4. Жабборова, О. М., Умарова, З. А. (2021). БОШЛАНГИЧ СИНФЛАРДА ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ЎҚИТИШНИНГ КЛАСТЕР УСУЛИ. Academic research in educational sciences, CSPI conference 1, 68-71.
5. Мардонов, Ш. Қ., Жабборова, О. М (2021). ОЛИЙ БОШЛАНГИЧ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ЧЕТ ТИЛЛАРНИ ЎҚИТИШНИНГ ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВЛАРИ. Academic research in educational sciences, CSPI conference 1, 119-121.
6. Жабборова, О. М. (2021). ЎҚИТИШНИНГ КРЕДИТ-МОДУЛЬ ТИЗИМИДА ЎҚУВ ФАНЛАРИНИ ТАНЛАШ ТАМОЙИЛЛАРИ. ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES, 2(6), 1095-1099.
7. Жабборова, О. М. (2021). БОШЛАНГИЧ ТАЪЛИМДА МАСОФАВИЙ ЎҚИТИШНИНГ ЭЛЕКТРОН-МОДУЛЛИ УСУЛЛАРИ. ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES, 2(5), 1294-1299.
8. Жабборова, О., Таушуплатова, Д. (2021). Бошлангич синф ўқитувчиларининг малака талаблари. Ekonomika i sotsium, 5(84).
9. Каримжонов, А., Жабборова, О. (2021). Ян Амос Коменскийнинг таълим-тарбияга оид қарашлари. Ekonomika i sotsium, 5(84).
10. Жабборова, О. М., Ахмедова, Н. Ш. (2021). Бошлангич синф ўқувчиларини миллий фоя асосида тарбиялаш омиллари. Ekonomika i sotsium, 4(83).
11. Jabborova, O. M. (2021). Systems for The Development of Primary Education in The Process of Higher Pedagogical Education. The American Journal of Social Science and Education Innovations, 3(04), 449-453.
12. Jabborova, O. M., & Mardonov, Sh. Q. (2021). Ta'l'm jarayoniga innovatsiyalarni tatbiq qilishning tashkiliy-pedagogik jihatlari. Xalq ta'limi jurnalı, 2.
13. Жабборова, О. М. (2021). Мураккаб шароитларда бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини касбий тайёрлаш. Ekonomika i sotsium, 4(83).
14. Жабборова, О. М. (2021). Бошлангич таълимда интеграциялаш масалалари. Academic research in educational sciences, 2(4), 702-706.
15. Жабборова, О. М., Бахтиёрова, С. Э. (2021). Бошлангич таълим йўналишида хорижий тилларни ўқитишининг янгича ёндашувлар тизими. Academic research in educational sciences, 2(3), 1040-1045.
16. Жабборова, О. М., Таушуплатова, Д. М. (2021). Ўзбекистон янги мафкурасининг педагогик талқини. Academic research in educational sciences, 2(3), 584-589.
17. Жабборова, О. М., Таушуплатова, Д. М. (2021). Бошлангич синф ўқитувчиларига қўйиладиган талаблар. Academic research in educational sciences, 2(2).
18. Жабборова, О. М., Чимпулатова, Ч. Д. (2021). Бошлангич таълимда Тарбия фанининг кластер усулида ўқитилиши. Academic research in educational sciences, 2(1).
19. Жабборова, О. М., Умарова, З. А. (2021). “Тарбия” фанини кластер усулида ўқитишида педагогик конфликтларни бартараф этиш. Academic research in educational sciences, 2(1).
20. Jabborova, O.M., Umarova, Z. A. (2021). Pedagogical conflicts in primary school students-as an important social-pedagogical problem. European Journal of Molecular & Clinical Medicine, 7(2), 516-523.



# ISSN

INTERNATIONAL  
STANDARD  
SERIAL  
NUMBER  
INDIA



# INTERNATIONAL JOURNAL OF MULTIDISCIPLINARY RESEARCH IN SCIENCE, ENGINEERING AND TECHNOLOGY



9710 583 466



9710 583 466



ijmrset@gmail.com